

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД
ЁКИ ЕТТИ ПИР**

**Тошкент
«Янги аср авлоди»
2003**

Садриддин Салим Бухорийнинг «Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир» китоби 1993 йил юз минг нусхада нашр қилиниб, қўлма-қўл бўлиб кетди. Муаллиф ушбу китобни янги маълумотлар билан тўлдириб, қайта нашрга тайёрлади.

Азиз китобхон, маънавиятимиз даргалари — Етти пир ҳақидаги бу асар маънавий оламингизни бойитишига шак-шубҳа йўқ.

Ушбу китобни нашр этишда ҳомийлик қилган саховатпеша дўстимиз Ҳожи Улугбек Абдуллаевга Оллоҳ таолодан ажру мукофот тилаймиз.

Китоб сотувидан тушган маблағ кам таъминланган ошларга ҳадя этилади.

ISBN 5-633-01554-1

© С.Салим Бухорий. «Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир», «Янги аср авлоди», 2003 йил.

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Аду Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари — Абдулхолиқ Фиждувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фагнавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

И.А.КАРИМОВ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Бутун дунёда қодирия, хожагон-нақшбандия, кубравия, чиштия, яссавия, суҳравардия тариқатлари маълум ва машҳур. «Тариқат» деган сўз аслида тўғри йўл, рост йўл деган маъноларни англатиб келади. Тариқат аҳли сўфийлардир. Шариат — қонун, тариқат — йўл. Бу йўл кишини Ҳаққа яқинлаштиради. Машойихлар Ҳаққа етмоқ учун шариат биринчи, тариқат иккинчи, маърифат учинчи, ҳақиқат эса тўртинчи зина, деганлар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шариату тариқатни бир-бирига қарши деб талқин этмоқ нотўғри. Бу ақида баъзи бир Ғарб исломшуносларининг фикри бўлиб, улар тариқатни шариатга зид ёхуд тариқат шариатдан кўра илғорроқ, деб тушунтирмоқчи бўладилар. Бундай талқин мутлақо нотўғри. Зеро, Шайх Воиз Кошифий шариат билан тариқат бир бутун, бир бири билан узвий боғлиқ, деб таъкидлаган. Хожагон-нақшбандия тариқати пирларидан бири бўлган Ҳазрат Мир Кулол эса тариқат шариатнинг нигоҳдошти, яъни муҳофаза этувчисидир, деганлар.

Турон заминда нақшбандия, қодирия, яссавия, кубравия сулуқлари кенг тарқалган. Қодирия тариқатининг асосчиси Шайх Абдулқодир Желоний (1079-1166), яссавия тариқати асосчиси Аҳмад Яссавий (1166 й. ваф.), кубравия тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221), нақшбандия тариқатининг асосчиси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) бўладилар. Нақшбандия тариқати хожагон тариқатининг давоми ҳисобланади. Хўш, хожагон тариқатининг асосчиси ким? Унинг асосчиси Хожаи Жаҳон номи билан бутун оламга машҳур бўлган Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний (1103-1179-1220) бўладилар.

Нима учун ХХІ асрга — тараққиёт асрига келиб хожагон-нақшбандия тариқати Ҳиндистону Покистон, Малайзияю Туркия, қолаверса Фарбда ҳам илдиз отмоқда, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортмоқда?

Хожагон-нақшбандия тариқати Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимотга асосан шаклланган. Тариқат пирларининг асосий вазифалари пайғамбар с.а.в. суннатларини қайта тирилтириш, бидъат ва хурофотга қарши курашиш. Чунки пайғамбар с.а.в.: «Бидъат ва хурофотга берилганлар энг ёмон кишилардир, бидъат ва хурофотга берилган одам то уни тарк этмагунча, унинг қилган савоб ишларини Тангри қабул қилмайди», деганлар.

Тариқатга кирган шахс ўз қалбини покламоғи даркор.

«Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар уни билмайди. Кимки шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок тутган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши мумкин. Агар чўпон қўйларни заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билинги, ҳар бир подшоҳнинг қўриқхона каби таъқиқлаб қўйган нарсалари бўлганидек, Тангрининг ҳам таъқиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасадида бир гўшт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у юракдир», — деб таъкидлаганлар Муҳаммад с.а.в.

Дарҳақиқат, қалб Оллоҳнинг назаргоҳидир. Оллоҳ назаргоҳи ҳисобланган қалбни покизалаш — хожагон-нақшбандия таълимотининг асл мақсади ҳисобланади. «Нақшбанд — бар дил банд!», яъни Оллоҳ номини қалбингда нақш айла, дейилади таълимотда. Хожагон-нақшбандия тариқати «Силсилаи шариф»нинг сарҳалқаси Муҳаммад с.а.в. бўладилар. Ушбу таълимот Муҳаммад с.а.в.дан Абу Бакр Сиддиққа, у кишидан Салмони Форсийга ўтган. Пирлар тартиби Салмони Форсийдан кейин қуйидагичадир: Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад, Ҳазрат Жаъфари Содиқ, Ҳазрат Боязид Бастомий, Ҳазрат Абулҳасан Ҳарақоний, Ҳазрат Абу Али Фор-

мадий, Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний, Ҳазрат Абдулхолиқ Гиждувоний, Ҳазрат Ориф ар Ревгарий, Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрат Али ар Рометаний, Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Мир Кулол, Ҳазрат Шоҳи Нақшбанд Баҳоуддин Увайсий ал Бухорий, Ҳазрат Алоуддин Аттор, Ҳазрат Хожа Порсо, Ҳазрат Яъқуби Чархий, Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор, Хожа Муҳаммад Қози, Ҳазрат Маҳдуми Аъзам, Ҳазрат Муҳаммад Ислом Жўйборий, Ҳазрат Хожаи Калон, Ҳазрат Муҳаммад Амин Даҳбедий, Ҳазрат Ҳошим, Ҳазрат Авлий, Подшоҳ Салим Балхий, Эшони Имло Бухорий ва бошқалар.

«Силсилаи шариф» гўё улкан дарахт, ушбу дарахтнинг таналари, шохлари бор. Қуйидаги «Силсила» Ҳожи Тешабобо Қобил ибн Мустафо ал Бухорий (1923-1997) мансуб бўлиб, ундаги пирлар рўйхати Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрордан сўнг бошқа шохада давом этган: Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид, Ҳазрат Муҳаммад Дарвиш, Ҳазрат Имганакий, Ҳазрат Муҳаммад Боқибиллоҳ, Ҳазрат Аҳмад Форуқ Имом Раббоний, Ҳазрат Муҳаммад Саид, Ҳазрат Абдулаҳад, Ҳазрат Муҳаммад, Ҳазрат Муҳаммад Мусохон, Ҳазрат Муҳаммад Сиддиқ, Ҳазрат Мавлоно Ҳусайн, Ҳазрат Муҳаммад Иброҳим, қутби замон Ҳазрат Муҳаммад Валихон, Ҳазрат Муҳиддин, Ҳазрат Муҳаммад Шариф, Ҳазрат Тешабобо Қобил ибн Мустафо ал Бухорий р.а.

Ушбу «Силсила» шохалари таналари Туркия, Малайзия, Покистон, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа жойларга борган. Туркиялик пири муршид шайх Маҳмуд Асъад Жўшон (бу кишининг боболари бухоролик бўлган) мансуб бўлган «Силсила» қуйидагича: Ҳазрат Аҳмад Форуқ Имоми Раббоний, Ҳазрат Муҳаммад Маъсум, Ҳазрат Шайх Сайфуддин, Ҳазрат Сайид Нури Муҳаммад ал Бадвоний, Ҳазрат Шамсиддин Жони Жонон Мазҳар, Ҳазрат Абдулла ад Деҳлавий, Ҳазрат Мавлоно Зиёуддин Холид ал Бағдодий, Ҳазрат Аҳмад ибн Сулаймон Холид Ҳасан ас Сомий, Ҳазрат Аҳмад Зиёуддин ал Кумушҳанавий, Ҳазрат Ҳасан Ҳилмий ал Кастамоний, Ҳазрат Исмоил Нажотий ас Сағфиранбо-

лий, Ҳазрат Умар Зиёуддин ад Доғистоний, Ҳазрат Мустафо Файзий ибн Амрулло ат Такфурдагоний, Ҳазрат Ҳасиб аш Шерозий, Ҳазрат Абдулазиз ал Косоний, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал Бурсавий, Ҳазрат Маҳмуд Асъад Жўшон.

Ҳар учала «Силсила»да ва бошқа хожагон-нақшбандия тариқати «Силсила»ларида етти пири комил — Хожаи Жаҳондан бошлаб Ҳазрат Баҳоуддингача бўлган муршидлар номи зикр этилгандир. Шу боис биз ушбу рисолада етти пири комиллар ҳақида қисқа маълумот бермоқни лозим кўрдик.

Ушбу «Силсилаи шариф»даги бир неча пирлар увайсий ҳисобланади. Жумладан, Боязид Бастомий, Абулҳасан Ҳараконий, Ҳазрат Баҳоуддин увайсийдурлар. Кимники ўтганларнинг руҳи тарбият қилса, ундай шахс увайсий бўлар экан. Маълумки, Муҳаммад с.а.в.нинг руҳлари Увайс Қаранийни тарбия қилган. Пайғамбар с.а.в.: «Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман», деганлар. Тариқат пирлари ҳам пайғамбарона ахлоқ эгаси бўлиш учун, шунингдек, Расули Акрам с.а.в. ахлоқларини оммага ўргатиш учун ҳаракат қилганлар.

Фиқҳ шариятнинг зоҳирини, тасаввуф эса унинг ботинини ўрганади. Ҳусайн Воиз Кошифий ёзадиларки, тасаввуф тариқат мақомотларидан биридир. Ва бу номнинг келиб чиқиши ҳақида олимлар орасида ихтилоф бор. «Унсул суфия» китобида ёзилишича, биринчи бўлиб «сўфий» деган номни олган одам Одам Ато фарзандларидан бири — Шиш алайҳиссалом эди.

Нажмиддин Комилов ёзади: «Сўфийлар Оллоҳни жондилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу ҳирс ғуборидан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш ғоясини кенг тарғиб қиладилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва, демак, асосий мақсад — илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар.

Шу тариқа, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, «бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Ҳофиз Шерозий) зеҳну заковат, ақл-фаросатда тенгсиз,

аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар... Буларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга оладилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ «сўфий» номи қўлланилган» (Н.Комилов, «Тасаввуф», Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1996 йил, 6-7-бетлар).

Тариқат пирлари, сўфийлар ҳозирги тил билан айтганда, фидойи муаллимлар бўлиб, бир неча авлодни аср-асрлардан бери тарбиялаб келмоқда. Шу сабаб ХХI асрда ҳам инсоният яна тариқатга эҳтиёж сезиб, улуғ устодлар меросини ўрганиб, улар одоби, айтган гапи, қилган ишини ўзлаштириб олмоқ учун саъй-ҳаракат этмоқда.

Истиқлол шарофатидан улуғ пирларимиз асарлари нашр қилинаётир, улар ҳақида китоблар чоп қилинмоқда. Зиёратгоҳлар обод этилмоқда. Бизнинг ушбу рисоламиз Етти пир зиёратига келганларга манфаати тегса, иншооллоҳ, савобдан умидвормиз.

ҲАЗРАТ АБДУЛҲОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

1. Ҳазрат АБДУЛҲОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ қуддиса сирриху — Хожаи Жаҳон, Хожа Абдулхолиқ номи билан бутун дунёга машҳур. Хожа Абдулхолиқ 1103 йил Ғиждувонда туғилиб, 1179 (айрим манбаларда 1220) йил марҳум бўлганлар. Қабрлари Ғиждувон шаҳрида.

Бу зоти шариф авлиёлар султони, қутби замон, олими Раббоний, буюк тарбиячи бўлиб, хожагон тариқатининг асосчиси ҳисобланадилар.

Ҳазрат Абдулхолиқ Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий (Бобойи Лақлақаги)лардан таълим олган.

Абдулхолиқнинг оталари Имом Абдулжамил асли румлик (яъни туркиялик) бўлиб, Имом Молик (713-795) авлодидан, Абдулхолиқнинг оналари эса подшоҳ қизи бўлганлар.

Ҳазрат Абдулхолиқ «Рисолаи саҳобия», «Мақсад ас соликин», «Маслакал орифин», «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», «Тариқат одоби» номли асарлар, шунингдек, рубоий ва қитъалар ёзган. Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақларида Хожа Ориф ар Ревгарий, Жомий, Навоий, Али Сафий, Носириддин Тўра, Махдуми Аъзам, Муҳаммад Боқир ва бошқа аллома, авлиёлар ўз китобларида маълумот берганлар.

А.Навоий ёзадилар: «Аларнинг (яъни Абдулхолиқнинг) равиши тариқатда ҳужжатдур. Барча форуқ (ҳақни ботилдан ажратувчилар)нинг мақбулидурлар. (А.Навоий, «Мукамал асарлар тўплами», 17 том. Т. — 2001 йил, 253-бет). Ҳазрат Хожаи Жаҳонга Оллоҳ шундай улуғ бир даражани бердики, «ҳар вақт намозда Каъбага борар эрдилар» (Ўша китоб, 254-бет).

Ҳазратнинг жуда кўп мурид, муҳиб, шогирдлари бўлган, энг етуқлари: Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон Карманий, Хожа Ориф ар Ревгарийлардур.

Хожа Абдулхолиқнинг руҳлари Баҳоуддин Нақшбандни тарбия қилган. Ҳазрат Абдулхолиқ «Тариқат одоби» китобларида ёзадилар: «Эй фарзанд! Илм билан бирга одобни ҳам ўрган. Зеро, одобсиз одам Оллоҳ лутфидан маҳрум-

дир. Халқ билан асло низо-жанжал этма. Яхши хулқ, нек одоб ила умргузаронлик айла. Суннати санияни маҳкам тут, салафи солиҳин, тақволи имомлар йўлларига эргаш. Бидъат аҳлидан йироқ бўл, зеро, ҳар қандай бидъат гуноҳдир».

Ҳазратнинг рубоийларининг ҳам тарбиявий аҳамияти каттадир:

*Шуҳрат ила шум нафсингни шод этма,
Ўзни мардум орасинда кўп ёд этма.
Камтарлик эт! Сен ном чиқарай деб,
Зинҳорки динингни барбод этма.¹*

*Умринг ўтадур — кам озорлик беҳ,
Қўлдан келадур — накукорлик беҳ.
Ҳар неки экдинг, шуни ўргайсен,
Эккил сара уруг — ҳушёрлик беҳ.*

2003 йил Ҳазрат Хожай Жаҳоннинг 900 йиллик юбилейлари жаҳон миқёсида юртимизда нишонланмоқда. Ҳазрат мажмуаларида ХХI аср обидаси қад кўтарган. Абдулҳолиқ асарлари нашр этилмоқда.

¹ Бу ва бундан кейинги шеърлар таржимони С.С.Бухорий.

ХОЖА МУҲАММАД ОРИФ АР РЕВГАРИЙ

2. **Хожа МУҲАММАД ОРИФ АР РЕВГАРИЙ** қ.с. — Ҳазрат Хожа Ориф Моҳитобон номи билан ҳам машҳур. Хожа Ориф Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги Ревгар қишлоғида туғилганлар, юз йилдан зиёд умр кўриб, 1259 йил вафот қилганлар. Қабрлари Шофиркон марказида обод зиёратгоҳга айлантирилган. 1996 йил Хожа Ориф жомеъси қурилди.

Нақл этилишича, Хожа Ориф ўрта бўйли, ой юзли, катта кўзли, қошлари камон, бутун вужудларидан мушку анбар ҳиди анқиб турадиган зот бўлган эканлар.

Хожа Ориф Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўртинчи халифалари ҳисобланадилар. Ҳазрат Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг (1461-1542) «Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» асарларида нақл қилинишича, Ҳазрат Хизр а.с. Ҳазрат Абдулхолиқ ҳузурларига келардилар. Шу пайт Ҳазратнинг ҳамма шогирдларини уйқу босарди. Суҳбат тугаб, Хизр а.с. кетганларидан сўнг шогирдлар беихтиёр уйқудан уйғонарди. Шогирдлар орасида энг ёши ҳисобланган Хожа Муҳаммад ар Ревгарий Хизр а.с. суҳбатларидан баҳраманд бўлай деб, кўзларига туз сепдилар ва оғриқнинг қаттиқлигидан у кишига уйқу ғалаба қилолмади. Суҳбатдан баҳраманд бўлдилар. Бу ҳолни кўриб Хизр а.с. дедилар: «Сиз Ориф бўлгайсиз, иншооллоҳ!» Хожа Хизр а.с. нафасларининг баракотидан бутун дунёга Хожа Ориф номи билан машҳур бўлдилар:

Хожа Ориф ар Ревгарий «Орифнома» номли китобнинг муаллифи ҳисобланади. «Орифнома» Тошкентдаги «Наврўз» нашриётида 1994 йил нашр этилди.

«Орифнома»да ёзилганки: Одоб нек одамлар зийнатидур!..

Авлиёлик аломати учтадур: биринчиси — баланд даражани эгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ, иккинчиси — сабру тоқати етгунча парҳезкорлик қилмоқ, учинчиси — то кучи етгунча инсоф қилмоқ.

Очлик — зоҳидлар, зикр — орифлар таоми. (Хожа Ориф ар Ревгарий, «Орифнома», 7-бет).

«Орифнома»да қуйидаги байтлар хаттот томонидан ёзилган:

*Афсус шуд пинҳон Моҳитобон ба зери хок,
Килкам сияҳпӯш, жигар реш, сина чок.
Тарих баҳри реҳлати ӯ жустам аз қалам:
Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам.*

Мазмуни: Афсуски, Моҳитобон ер остига пинҳон бўлди. Қаламим қора кийинди, жигарим тилинди, сийнам чок бўлди. Унинг марҳум бўлган йили «Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам»дан чиқади.

Ушбу шеърнинг сўнгги байти «Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам»дан ҳижрий 634 йил, мелодий 1234 йил чиқади.

Айрим манбаларда Хожа Ориф ар Ревгарийнинг марҳум бўлган йиллари 1259 йил деб ёзилган.

Айни шу кунларда Хожа Ориф ар Ревгарий мажмуаъларида ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

ХОЖА МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ

3. **Хожа МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ** қ.с. — Вобкент туманига қарашли Анжир Фағни қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот қилганлар. М.Жўрабоев ш/х.да жойлашган бу қишлоқнинг ҳозирги номи Анжирбоғдир.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий илми қол ва илми ҳолни Ҳазрат Хожа Ориф Ревгарийдан ўрганган.

Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт» китобларида ёзилишича, Хожа Али ар Рометаний Хизр а.с.дан: «Шу асру айёмда пир деб кимнинг этагидан тутса бўлади?» — деб сўраганларида, Хизр а.с.: «Шу асру айёмнинг пири муршиди Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий бўладилар!» — деганлар. Хизр а.с. тавсияларига мувофиқ Хожа Али ар Рометаний Хожа Маҳмудга мурид бўлдилар.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий қабрлари устида янги мақбара, мақбара ёнида ҳовуз ва жомеъ масжиди қурилди. Ушбу жой обод зиёратгоҳга айланган. Хожа Маҳмуд туғилган ва марҳум бўлган йиллари ҳақида маълумот тополмадик. Бу зоти шариф XIII асрда яшаб ўтганлар.

«Рашаҳот»да айтилганки, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан Мир Кулолгача ўтган хожагон-нақшбандия тариқати машойихлари хуфиёна зикр билан жаҳрия (баланд товуш билан зикр этмоқ) зикрига баравар амал қилишган. Хожа Баҳоуддин эса хуфиёна зикрни давом эттирганлар. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг касблари гилкорлик бўлган.

«Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» китобида дейилганки, ҳар гал Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий: «Ё Раббий!» — десалар, Ҳазрат Борий таолодан: «Лаббайка, ё абди!» (Лаббай, эй менинг бандам!) деган бевосита жавобни эшитардилар.

ХОЖА АЛИ РОМЕТАНИЙ

4. Хожа АЛИ РОМЕТАНИЙ қ.с. — Хожаи Азизон номи билан машхур. Бу зоти шариф Рометаннинг Қўрғон қишлоғида туғилганлар. Мақомотлари ғоят олий, кароматлари бисёр, касблари тўқувчи бўлган. «Рашаҳот»да ёзилишича, 1310 йил, «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да таъкидланишича, 1321 йил вафот қилганлар. 130 йил умр кўрганлар. Қабрлари Кўҳна Урганжда обод зиёратгоҳдир.

Хожа Алининг Хожа Муҳаммад ва Хожа Иброҳим исмили ўғиллари бўлган.

Хожа Алининг Рометандаги Қўрғон қишлоғида табаррук қадамжо зиёратгоҳлари бор. У ер обод қилинмоқда. Хожа Алининг тўртта машхур халифалари бўлган: Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз, Хожа Муҳаммад Халлож, Хожа Муҳаммад Бовардий, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий.

Ҳожи Тешабобо Нақшбандийнинг айтишларича, Нақшбандхон ибн Султонхон (1958 йил вафот қилганлар) Хожа Али ар Рометаний авлоди эдилар.

Хожа Али Рометанийнинг «Рисолаи Азизон» китоблари машхур. Бу китобни форс-тожик тилидан ўзбек тилига нақшбандийшунос олима Гулчеҳра Наврўзова таржима қилиб, нашр эттирди.

Хожа Али Рометанийнинг қуйидаги ҳикмат ва шеърлари машхур: «Агар ер юзида Абдулхолиқ Ғиждувоний фарзандларидан бири бўлганда эди, Мансур Халлож асло дорга осилмас эди».

Хожа Али деганларки, ер бу тоифа (яъни сўфийлар) кўзида бир дастурхон кабидур.

*Рометанга кел, Ҳаққа етмоқ истасанг,
Рометанга кел, дўстни тутмоқ истасанг.
Кел, бошингдин оёқ ясаб, аё дўст,
Ғар Азизон руҳин шод этмоқ истасанг.*

*Биров билан суҳбат этдинг, ҳар сафар —
Қалбинг гаши бўлди-ю суҳбат — бесамар.
Азизоннинг руҳи кечирмас сени,
Ундайлар ёнидан қочмасанг азар.*

*Ул Оллоҳким тану жсонни яратди,
Ҳар аъзони бир хизматда қаратди.
Тилда иллат кўрди-ю этди тутқун,
Оғиз — зиндон, тилни анда қаматди.*

ХОЖА МУҲАММАД БОБОЙИ САМОСИЙ

5. **Хожа МУҲАММАД БОБОЙИ САМОСИЙ** қ.с. — 1259 йил Рометаннинг Самос қишлоғида туғилганлар. 1354 йил вафот қилганлар. Қабрлари Самос қишлоғида. Айни шу кунларда бу зиёратгоҳ жуда обод қилинаётир.

Бобойи Самосийнинг касблари деҳқончилик бўлган. Ҳазратнинг кароматлари ва нек хулқлари ҳақида «Мақомоти Амир Кулол», «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд», «Тухфат аз зоирин» ва бошқа манбаларда зикр қилинган.

Нақл қилинишича, Хожа Муҳаммад Самосий бир гуруҳ муридлари билан Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувондан ўтиб кетаётганда: «Бу тупроқдан бир эр иси келмоқда, шу зот баракотидин Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай», — дебтилар. Ўша пайтда ҳали Ҳазрат Баҳоуддин туғилмаган, балки оналарининг қорнида экан. Бир неча вақтдан кейин эса: «Ҳалиги эрнинг иси ортиқроқ бўлибти», дейдилар. Дарҳақиқат, Ҳазрат Баҳоуддин туғилган эканлар. Уч кунлик Баҳоуддинни Бобойи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилиб, Мир Кулолга Баҳоуддин тарбияси билан шуғулланишни топширдилар.

«Мақомоти Мир Кулол»да нақл қилинишича, Самос қишлоғида икки гуруҳ орасида низо чиқиб, охирида мушталлашибтилар. Натижада бир кишининг тиши синибти. Жабрланган томон, тишимиз хунбаҳосини ундириб оламиз, деб ҳоқимга арз қилмоқчи бўлибти. Шунда орадан бир киши: «Бобойи Самосий ҳазратларига мурожаат этайлик, у киши не десалар шунини қилайлик. Зеро, у кишидан маслаҳат олмай ҳоқимга бориш гуноҳ бўлур», — дебти. Унинг бу фикри ҳаммага маъқул бўлган экан. Ҳазрат Бобойи Самосий синган тишни олиб Мир Кулолга берибтилар ва: «Эй фарзанд, сиз шундай бир иш қилингки, орадаги низо йўқолсин!» — дебтилар. Мир Кулол жабрдийда оғзига тишни ўрнатиб, Оллоҳ таолодан мадад, пирлардан истиғоният тилаб, дуо қилибти. Тиш асли ҳолидай бўлиб қолибти. Бу ҳолни мушоҳада этиб, икки гуруҳ бир-бири билан ярашиб, тавба шарафига муяссар бўлибти.

Жомийнинг «Нафоҳатул унс» китобларида таъкидланишича, Бобойи Самосий ўз кулоҳларини Баҳоуддин Нақшбандга берган. Оллоҳ шу кулоҳ шарофатидан Баҳоуддинга балогардонлик кароматини ато этган экан.

Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосийнинг жуда кўп мурид, шогирд, издошлари бўлган. Лекин энг етуклари қуйидагилардир: Хожа Муҳаммад Сўфий, Хожа Муҳаммад Самосий (бу киши Бобойи Самосийнинг ўғиллари), Ҳазрат Мавлоно Али Донишманд, Ҳазрат Сайид Мир Кулол.

САЙИД АМИР КУЛОЛ

6. Сайид АМИР КУЛОЛ қ.с. — асли исмлари Сайид Амир Калон бўлиб, Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида туғилганлар. Бу зот тахминан 1287 йилларда дунёга келган. Кулолчилик билан шуғулланганликлари сабабли Мир Кулол номи билан машҳур бўлган. Мир Кулолнинг бир юз ўн тўртта авлиё бўлган халифалари бор эди, энг етуқлари Баҳоуддин Нақшбанд, Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор Валий, Шайх Жамолиддин Деҳан Осийи, Шайх Шамсиддин Кулол, Хожа Дарзунийлардир.

Мир Кулолнинг Сайид Амир Бурҳон, Сайид Амир Ҳамза, Сайид Амир Шоҳ, Сайид Амир Умар исмли фарзандлари бўлган. «Мақомоти Амир Кулол»да нақл қилинишича, Ҳазрат Мир Кулол мужаррад (бўйдоқлик) даврларида Рометан туманидаги боғларнинг бирида ўз тенгқурлари билан иттифоқ бўлиб, чопонларини ювибтилар ва биродарларига айтибтики, эй ёронлар, чопонларни пахса девор устига ёймайлик, чунки у ердаги тиканларга озор берилур. Зинҳор дарахтлар шохига осмайлик, шохлар эгилиб, жабр бўлур. Заминга ҳам ташламайлик, ўт-ўланлар хароб бўлур. «Бу гапларни эшитиб, не қиларини билмай қолган биродарлар сўрабтики: «Амир, сиз чопонингизни қандай қилиб қуритасиз?» Ҳазрат дебтилар: «Мен чопонимни устимга ташлаб, офтобрўяда ўтираман ва шундай қилиб қуритаман. Эй ёронлар, агар пахса девордан бир парча узилиб ерга қулса ё дарахт шохи синса, ё чорва ейдиган ўтларга зарар етса, Худовандга не узр билдирурмиз? Зинҳор номашруъ (шариатга зид) ишлар, кичик бўлса ҳам қилманг. Чунки кичик гуноҳ такрорланаверса, дўзахга олиб борур. Пайғамбар с.а.в., истиғфор (кечирим сўраш) билан катта гуноҳлар ҳам кечиради, муттасил қилинаверилса, кичик гуноҳлар ҳам каттага айланади, деганлар».

Ҳазрат Амир Кулол дейдиларки, то тақво (парҳез)ни рўзфорингиз шиори этмасангиз, Оллоҳ таоло сизга тўғри йўл эшигини очмайди.

Ҳазрат Амир Кулол дейдиларки, сиз бир сердарахт боққа кирдингиз, ҳар бир дарахтнинг беҳисоб шохлари, ҳар бир

шоҳнинг беҳисоб барглари бор ва ҳар битта баргда биттадан қуш қўниб, янгроқ ва фасеҳ овоз билан «Ассалому алайкум,эй валиюллоҳ!» — дейишса, бу қанчалик ёқимли бўлмасин, сиз зинҳор бундан гурурланманг, шу заҳотиёқ ҳам зоҳир,ҳам ботинингиздан Оллоҳ таолодан қўрқув жой олсин. Гоҳо банда Оллоҳ таолодан шу қадар қўрқсинки, дўзах фақат мен учун бино қилинган, деган фикр унинг қалбида бўлсин. Ва гоҳо Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, шодлансин, зеро Худонинг наздида бутун олам гуноҳини мағфират қилиш душвор эмас.

ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

7. ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД қ.с. — асли ис-
млари Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалололиддин бўлиб, Хо-
жаи Бузруг (улуғ Хожа), шоҳи Нақшбанд, Баҳоуддин ном-
лари билан жаҳонга машҳур.

Ҳазрат Баҳоуддин Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувонда туғилган. Кейинчалик бу зоти шариф баракотидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айланди.

Туғилган саналари 1318 йил. Ҳазратнинг касблари мато-
га нақш солмоқ эди. Ҳазрат Баҳоуддин Бобойи Самосий,
Сайид Мир Кулол, Қусам Шайх, Халил Ота, Ориф Дегга-
роний, Баҳоуддин Қишлоқийлардан сабоқ олганлар. Тари-
қат одобини, илмини Ҳазрат Баҳоуддин Сайид Мир Кулол-
дан ўргандилар. Лекин ҳақиқат юзасидан Ҳазрат Баҳоуддин
увайсий бўлиб, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний руҳларидан
таълим олганлар.

«Тухфатул ансоб» китобида Баҳоуддин насаблари ҳақида
маълумот берилган: Ҳазрат Баҳоул ҳақ вад дин Сайид Му-
ҳаммад ибн Сайид Муҳаммад Жалололиддин Бухорий ибн Сай-
ид Бурҳониддин ибн Сайид Шаъбон ибн Сайид Абдуллоҳ ибн
Сайид Зайнулобиддин ибн Сайид Шаъбон ибн Сайид Бур-
ҳон ибн Сайид Маҳмуд Румий ибн Сайид Исҳоқ ибн Сайид
Тақи ибн Сайид Маҳмуд Жоме ибн Сайид Али Акбар ибн
Ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн Ҳаз-
рат Имом Али Мусо ар Ризо ибн Зайнулобиддин ибн Ҳусайн
ибн Али ибн Абу Толиб.

Ҳазрат Баҳоуддин она томонидан сиддиқийдурлар, яъни
насаблари Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади.

Ҳазрат Баҳоуддин «Ҳаётнома», «Далелул ошиқин», «Ав-
род» номли китоблар ва қуйидаги рубоийлар муаллифи
ҳисобланадилар:

*На маро мафрашу, на мафрашкаш,
На гуломону турку туркашкаш.
Ҳама шаб чун сағони каҳдони
Сар ба дум оварем бихусбем хуш.*

Таржимаси:

*На бизда буйраеву буйракаш бор,
На гуломи турку ва на хизматкор.
Сомонхона итидек дум остига
Ҳар кеч бош қўйиб ётамиз бедор.*

*Ҳечи мо нею ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч ҳеч мо гам не.
Жанда дар пушту пушт гўристон,
Гар мирем ме ҳеч мотам не.*

Таржимаси:

*Ҳеч нарсамиз йўғу ҳеч нарса ҳам кам эмас,
Ҳеч нарсанинг йўқлиги бизга вале гам эмас.
Жандамиз елкамизда, ортимизда гўристон,
Агар ўлсақ ногаҳон бизга ҳеч мотам эмас.*

«Мақомоти Шоҳи Нақшбанд» китобида қайд қилинганки, Султонул Орифин (яъни Боязид Бастомий) айтибдурларки, бу йўлга кирганлар ҳар қанча юрган билан аларнинг охирги қадами бизнинг биринчи қадамимизга етур. Хожамиз (яъни Баҳоуддин) буюрибтиларки, ғайрат юзасидан Ҳақ таоло суҳбати ҳаром бўлсин у кишигаким, унинг биринчи қадами Боязиднинг охирги қадамига етмаса ва яна дедиларки, биз интиҳони ибтидода дарж айладик.

Нақл қилишларича, бир кун Шайх Хисрав Ҳазрат Баҳоуддин ҳузурларида ниёзмандлик ила арз қилдики, Ҳаромком суви гоҳ-гоҳ тошиб, Кармана ариғи қирғоқларини ювиб, атроф-жавонибни хароб этади. Шу сабаб яна бир ариқ қазиш зарурати бор. Халқ кўп ташвиш чекмоқда.

Ҳазрат Баҳоуддин буюрдиларки, бундан сўнг Ҳаромком суви тошиб, Кармана ариғини бузмайди ва бўридан одамларга зарар етмайди, йўловчилар бемалол бориб келадиган бўладилар.

Ҳазрат тилларидан бу муборак сухан айтилган заҳот подшоҳ фармон чиқарибтики, Кармана йўли қўриқлансин, токи йўловчиларга бирор махлуқнинг зарари тегмасин. Ажабки, Ҳаромком суви ҳам тошмайдиган бўлибти.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дедилар: «Бизнинг тариқатимиз «урватул вусқо» — мустаҳкам тутқич. Мустаҳкам тутқич, бу — Қуръони Карим ҳисобланади.

Нақл қилурларки, Ҳазрат Баҳоуддин кўчада бир дарвиш-ни кўрдилар. У қуйидаги байтни ўқирди:

*Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори зўй бурди аз миён.*

Мазмуни: Яхши кишиларни ҳамма ҳам дўст тутади, лекин агар сен ёмон кишиларни дўст қилсанг (яъни уларни ўзингга яқинлаштириб, яхши йўлга бошлай олсанг) ютуқ эгаси бўласан.

Ҳазрат Баҳоуддин дедиларки: «Мен учун бу байт сабоқ бўлди ва барча дарвишларга мазкур байтни ёдламоқни буюрдим».

Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчи халифалари Ҳазрат Алоуддин Аттор, иккинчи халифалари Ҳазрат Хожа Порсо, учинчи халифалари Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний эдилар. Шайх Пирмастий, Хожа Абулқосим Бухорий Ҳазрат Баҳоуддиннинг асҳобларидурлар.

Ҳазрат Баҳоуддин икки фарзанд кўрганлар. Ўғиллари ёшлиқда вафот қилган, қизларини эса Алоуддин Атторга никоҳлаб берганлар. Ҳазрат Ҳасан Аттор — улар валиюллоҳ бўлиб, Баҳоуддиннинг неваралари ҳисобланади. Алоуддин Аттор ва Ҳасан Атторларнинг қабрлари Денавдадир.

Ҳазрат Баҳоуддин вафотларидан бир кун олдин муридларининг ҳаммасини Хожа Муҳаммад Порсога тобе бўлишини васият қилган. 1389 йил Баҳоуддин Қасри Орифонда вафот қилдилар. Жуда кўп шоирлар Ҳазрат вафотларига атаб тарих битган, лекин энг машҳури мана будир:

*Рафт шоҳи Нақшбандон Хожаси дунёву дин,
Ош ки буди шоҳи роҳу дину давлат миллаташ.
Маскану маъвои ў чун буд Қасри Орифон,
«Қасри ирфон» 3-ин сабаб омад ҳисоби реҳлаташ.*

Мазмуни: дунё ва диннинг Хожаси Шоҳи Нақшбанд вафот қилди, у дину давлатнинг шоҳи эрди. Унинг маскану маъвоси Қасри Орифон бўлган. Шу сабаб вафот этиш тарихи «Қасри ирфон»дан чиқади.

«Қасри ирфон»дан абжад ҳисобида 791 йил ҳосил бўлади, бу мелодий 1389 йилга тўғри келади.

Ҳазрат Баҳоуддин қабрлари устидаги дахма ва ушбу зиёратгоҳдаги хонақоҳни Абдулазизхон ибн Убайдуллохон 1544 йилда қурдирган. Мақбара атрофида масжид, ҳовуз, қудуқ, минора, дарвозахона бор.

Ҳукуматимизнинг сазй-ҳаракати билан 2003 йил Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳлари янада обод, файзли этилди.

Бухоро шаҳридан то ушбу зиёратгоҳгача борадиган йўл жаҳон андозасига мос қилиб бино этилгани таҳсинга лойиқ.

Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳларида улкан мажмуъа қад ростлади. Бундай кенг кўламдаги ободончилик ишлари бирор асру айёмда қилинган эмас. Қадимги дарвозалар — Хожа Диловар, Бобус Салом асл ҳолига келтирилди. Зиёратгоҳнинг жанубида улкан гумбазли дарвозахона қурилди. Ҳазратнинг қабрлари шарқи ва жанубида улкан ва гўзал айвон тикланди. Бу янги айвон қадимги айвонга гоят мутаносибдир. Хонақоҳ, масжидлар, мадраса бинолари сидқидилдан таъмирланди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари билан оналари — Орифабиби зиёратгоҳлари бир мажмуъага айлантирилган. Орада боғ, гулзор барпо бўлган.

Ҳазрат Баҳоуддин музейларидаги экспонатлар ҳам янги-ланиб, бу ерга кирган киши тасаввуф, Етти Пир ҳақларида яхлит бир тушунчага эга бўлади. Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қўқон ва бошқа вилоятлардан келган қўли гул усталар ихлос билан, эътиқод билан ушбу мажмуъада хизмат қилдилар. Бир сўз билан айтганда, XVI аср обидаси қарама-қаршида, унга уйғун ҳолда XXI аср обидаси қад ростлади. Машойихлар: «Минг эшитгандан бир кўрган афзал» деганлар. Ушбу мажмуани таъриф-тавсифлашга қалам ожиз. Келган одам кўради ва қойил бўлади. Ҳазрат Баҳоуддиннинг улуғ номларига муносиб зиёратгоҳ барпо этилгандир.

Дарҳақиқат, «Ҳар қандай ободлик кўнгилдан бошланади» (И.А.Каримов), то кўнгил обод бўлмаса, бундай ҳашаматли, бундай кўркам, бундай салобатли, бундай файзли мажмуани бино қилиб бўлмайди.

Ҳазрат Баҳоуддин мажмуаларини зиёрат қилаётганингизда ўтган улуғларимизнинг қуйидаги қалб сўзлари қулоғингизга эшитилса, асло ажабланманг:

*Бизни ёдга олганни — Оллоҳ ёдга олгайдур,
Аларнинг юрагига Оллоҳ тавфиқ солгайдур.
Бизни эъзозлаганни Оллоҳ эъзозлар бешак,
Азизларнинг ёдида алар номи қолгайдур.*

*Бизни ёдга олганнинг замони обод бўлгай,
Мақони обод бўлгай, жаҳони обод бўлгай.
Не экса ўриб олгай ўшани одам, бешак,
Бизни ёдга олганнинг хирмони обод бўлгай!*

* * *

*Ким сени ёр этди, ёр бўлди оқибат,
Ким сени зор этди, зор бўлди оқибат!
Эй Бухоро! Бу не ҳикматдур, ажаб —
Ким сени хор этди, хор бўлди оқибат!*

Улуғ пирларимиз зиёратгоҳларини обод этаётганларни Оллоҳ таоло икки дунёда саодатманд этсин, Омин!

*1993-2003 йиллар.
Бухорои шариф*

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний	8
Хожа Муҳаммад Ориф Ар Ревгарий	10
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий	12
Хожа Али Рометаний	13
Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий	15
Саййид Амир Кулол	17
Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд	19

Илмий-маърифий нашр

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁКИ ЕГТИ ПИР

Муҳаррир	Азиз САИД
Бадиий муҳаррир	Баҳриддин БОЗОРОВ
Мусаввир	С.СОБИРОВ
Тех.муҳаррир	Вера ДЕМЧЕНКО
Мусаҳҳиҳ	Мақсуда ХУДОЁРОВА
Компьютерда саҳифаловчи	Екатерина НАЗАРОВА

ИБ № 3856

Босишга 28.11.2003 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 0,75. + вкл. 0,25.

Шартли босма тобоғи 1,26. + вкл. 0,25.

Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма № 358.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида
тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.